

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ



2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 19 тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» 82-II-сон қарори билан куйидаги судланганлар жазодан озод қилинди (ҳужжатда кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда): аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшга тўлган эркаклар; чет эл фуқаролари. Куйидаги шахслар ҳам амнистия ҳуқуқига эга бўлдилар:

эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно);

озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно);

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилди.

САЙФАҚЛАР КЎПАЙИШИ УЧУН

Президентнинг 2010 йил 20 августдаги 1К-1393-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозғоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида сайфақларни муҳофаза қилиш, сонини кўпайтириш ва бар-қарор ривожлантириш бўйича 2010 йил 17 март кuni Тошкент шаҳрида имзоланган битим тасдиқланди.

КАСБЛАР КЛАССИФИКАТОРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори тасдиқланди. Ҳужжат хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш, шу жумладан, меҳнат дафтарчала-

рида ёзувларни қайд этиш, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритиш юзасидан – республиканинг барча ташкилотларида қўлланилиши мажбуридир. Ишга қабул қилишда ходимларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда Классификатор қўлланилиши мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса – тавсия тусига эга.

Агар давлат органи, хўжалик бошқаруви органи ёки ташкилот тузилмасида Классификаторда кўрсатилмаган хизматчилар лавозими ёки ишчилар касблари мавжуд бўлса ёхуд жорий этилса, у ҳолда номи, ходимларнинг тоифаси тўғрисидаги ахборот, шунингдек ушбу лавозимлар ва касблар бўйича маълумот даражасига қўйиладиган энг кам талаблар Классификаторга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун меҳнат органларига юборилади. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчилар касблари бўйича ҳосила лавозимлар ва касблар, шунингдек мутахассисларнинг айрим лавозимлари бўйича малака тоифалари бир лавозим доирасида ташкилот раҳбари томонидан белги-ланиши мумкин.

МЕЛИОРАТОРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 182-сон қарори билан Бухоро давлат университетининг гидро-мелиорация факультети негизига Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини ташкил этиш, унда «Сув хўжалиги ва мелиорация», «Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш», «Ер тузиш ва ер кадастри» таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Белгиланишича, 2010/2011 ўқув йилида Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг 1 курсида ўқийдиганлар контингенти сони Бухоро давлат университетига тегишли йўналишлар бўйича 1 курсга қабул қилинган талабалар ҳисобига 100 кишини ташкил қилади.

Бухоро давлат университетиде иختисослик таълим йўналишлари бўйича ўқиётган иккинчи ва учинчи курслар талабалари ҳам Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалига ўтказилади.

Ҳужжат билан филиалнинг ташкилий тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш, ўқув-лаборатория базасини шакллантириш, ўқув-методик ва илмий-педагогик таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ БОШҚАРИШ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 23 августда 273-2-сон

билан рўйхатдан ўтказилган) билан Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, эндиликда ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларини барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин ташкилот ихтиёрида қоладиган фойда (даромадлар), юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобига ташкил қилишлари мумкин.

Ҳужжатга киритилган меъёрга мувофиқ, иш берувчи ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёки соғлиққа бошқача шикаст етказилганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

Иш берувчи бараварига бир нечта ходим билан рўй берган, ўлим билан яқун топган ёки жиддий бахтсиз ҳодиса ҳақида: бахтсиз ҳодиса юз берган ҳудуддаги ички ишлар органига (олдин – жабр кўрган шахснинг асосий иш жойи бўйича прокуратурага); бахтсиз ҳодиса юз берган ходимни йўллаган ташкилотга; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига; ходимнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шарномаси бўйича суғурталовчига дарҳол хабар бериши шарт.

2010 йил 2 сентябрдан кучга кирди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 24 августда 272-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, давлат органлари, уларнинг ташкилий бўлинмалари ва лавозимларнинг номлари қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилди.

2010 йил 3 сентябрдан кучга кирди.

ЭРТАНГИ КУН ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИ

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 26 августда 2136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб, бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, ҳужжат билан республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасалари (ОТМ) учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблаш мақсадида харажатларнинг базавий нормативлари белгиланди. Ҳужжатда шунингдек ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблаш формуласи келтирилган. Белгиланишича, ОТМ мустақил равишда харажатлар сметасини ҳамда тасдиқланган намунавий штат бирликлари асосида штатлар жадвалини тузади ва тасдиқлайди. Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентиларини қўллаш асо-

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 21 августдан 27 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 34-сон асосида тайёрланди.



сида ҳисобланган ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми куйидаги қатъий тартибда тақсимланади:

иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов; стипендиялар; тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларини моддий таъминлаш; коммунал хизматлар учун харажатлар; қолган жорий харажатлар ва бошқа харажатлар.

ОТМнинг айрим бюджет харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда харажатларнинг базавий нормативларини асосида ҳисобланган бюджет харажатларининг ҳажми мазкур қарздорлик суммасига камайтиради. ОТМнинг кредитор қарздорлиги эса харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет харажатлар сметаси маблағлари доирасида, маблағ етишмаган тақдирда – мазкур ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

2010 йил 5 сентябрдан кучга кирди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан олий таълим муассасалари талабаларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2010 йил 5 сентябрдан кучга кирди.

ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ МАОШЛАРИ ОШИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 27 августда 2137-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундамента, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгартирилди.

2010 йил 6 сентябрдан кучга кирди.

УШБУ
СОҒДА

2-бет

4-бет

5-бет

6-бет

Ходим қанча
синалиши мумкин?

Тоғ шароитида
меҳнат қилганда...

Маслаҳатни
юрист беради

Криминал экспертиза:
мотоциклни ким ҳайдаган эди?

\$1 = 1614,49 сўм

€ 1 = 2063,00 сўм

£1 = 2521,83 сўм

¥10 = 189,52 сўм

ХОДИМ СИНОВ МУДДАТИДА БЎЛГАНДА – II:

ИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ

Меҳнат кодекси (МК)нинг 84-моддасига мувофиқ дастлабки синов шarti ходимнинг топширилатган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш ёки ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши мақсадида назарда тутилади. Дастлабки синов муддатидан самаралироқ фойдаланиш, синов муваффақиятсиз ўтган тақдирда, меҳнат шартномасини қонуний бекор қилиш учун бутун синов муддати мобайнида ходимнинг ишини тўғри ташкил этиш лозим.

Хуллас, ходим билан дастлабки синов шarti назарда тутиладиган меҳнат шартномаси тузилганидан кейин (батафсилроқ «Ходим синов муддатида бўлганда – I» материалида, «Норма маслаҳатчи», 2010 йил 31 августдаги 33(266)-сони) уни: ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ; мансаб йўриқномаси;

ички меҳнат тартиби қоидалари; ходимнинг фаолият соҳасига дахл қиладиган локал ҳужжатлар билан таништириш лозим. «Синалаётган» ходимнинг сермаҳсул ишини ташкил этиш ва синов муддатидан ўтмаган тақдирда уни ишдан бўшатишининг қонуний имкониятини таъминлаш учун бир қатор жиҳатларни ҳисобга олиш керак.

1. ЯНГИ ХОДИМГА МОСЛАШИШДА ЁРДАМ БЕРИНГ

Янги ходим компанияга қанча фаолроқ мослашса, у шунча тез-роқ тўлиқ куч билан ишлай олади. Мослашиш даврининг бошқа ва-

зифаси – компанияга хайрихоҳликни шакллантириш.

2. ЯНГИ ХОДИМГА ВАСИЙ ТАЙИНЛАНГ

Натижани топшириқ берган киши баҳолаши керак. Ишнинг барча натижалари ижрочининг имзоси билан қайд этилиши керак. Ушбу

ҳужжатлар кейинчалик дастлабки синовдан ўтилмаганлиқни исботлаш учун керак бўлиши мумкин.

3. ИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ЗАРУР

Ходимга синов муддатининг барча вақти учун унинг зиммасига қандай мажбуриятлар юкланганлигини батафсил ёзиб бериш керак. Иш режаси мансаб йўриқномаси билан тўлиқ мос тушиши лозим. Ходимни режа билан ундан тилхат олиб туриб таништинг ва

тегишли бўлинма раҳбарига кадр хизматида янги ходимнинг дастлабки синов муддати мобайнида ишлаши тўғрисида ахборот юборишни топширинг.

4. МАҚСАДНИ АНИҚ ҚИЛИБ ҚЎЙИНГ

Иш берувчиларнинг компания синов муддати босқичидаёқ яхши номзодни бой беришга олиб келиши мумкин бўлган кенг тарқалган ҳаёси охиригача айтмаслик, ноаниқлик ҳисобланади. Номзодга кўпинча аниқ вазифалар, ҳажм ва уларни бажариш муддатлари айтилмайди. Бунинг ўрнига мавҳум мақсадлар қўйлади.

Шуни эътиборда тутингки, нафақат сиз ходимни баҳолайсиз,

балки ходим ҳам сизни ва компаниянгиздаги ўзининг истиқболларини баҳолайди.

Юқорида кўрсатилган барча жиҳатлар «синалаётган» ходимларнинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур ва бошқа янги ходимларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, қабул қилинган ташкилий чоралар натижасида ходимнинг дастлабки синовдан ўтган – ўтмаганлиги аниқ белгиланади. Ва энг муҳими, буларнинг ҳаммаси қайд

этилади ҳамда синов муддатидан ўтмаган тақдирда далил сифатида ишлатилади (дастлабки синов даврида, шунингдек уни қониқарсиз ўтишдан кейин ишдан бўшатиш тўғрисида батафсилроқ «Ходим синов муддатида бўлганда – III»да кўриб чиқилади).

Қанча вақт йўқотганингиз сизга янги ходим тўғри келишини (ёки аксинча) қанчалик тез тушуниб этишингизга боғлиқ. Вақт эса, маълумки, – пулдир.

МАВЗУГА САВОЛЛАР:



Ташкилот раҳбарияти синов муддати даврида ходимни хизмат сафарига юбора оладими?

– Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида синов муддати вақтида ходимларни хизмат сафарига юборишни тақиқлашлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, МКнинг 86-моддасига кўра, дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади, тегишинча, бундай ходимни хизмат сафарига юборганда унинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаш кафолатланади (МКнинг 171-моддаси).



Биз ходимни 2 ойга синов муддати билан қабул қилдик. Синов вақтида у бир неча кун касал бўлди, кейин ўз ҳисобидан таътил олди. Бундай ҳолда синов муддати қачон тугаши керак?

– МКнинг 85-моддасига мувофиқ дастлабки синов муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабаб билан ишда бўлмаган бошқа даврлар киритилмайди. Шу тариқа, ходимнинг касаллик бўйича ва иш ҳақи сақланмаган таътилга чиқиши боис ишда бўлмаган кунлари дастлабки синов муддатига киритилмайди ва, тегишинча, ушбу давр ходимнинг узрли сабаб бўйича бўлмаган иш кунларининг суммар микдорига узайтирилади.



Жамоа шартномасида ходимларга мукофотлар тўлаш тартиби белгиланган. Синов муддати билан қабул қилинган ходимларга мукофот тўлаш керакми?

– Сиз ходимларга мукофотларни уларнинг синов муддати вақтида қолган ходимлар билан тенгликда тўлашингиз керак. Зеро уларга ҳам, қолган ходимларга бўлганидек, худди ўша даражада мазкур корхонада белгиланган меҳнат шартлари татбиқ этилади (МКнинг 86-моддаси).



Ходим синов муддати даврида узрли сабабларсиз ишга чиқмади. Унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада белгиланган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Бу нарса ички меҳнат тартиби қоидаларида, шунингдек корхонанинг бошқа локал ҳужжатларида назарда тутиладиган ҳамда меҳнат интизомини бузганлик учун ходимларга қўлланадиган чораларга ҳам тааллуқлидир.



ҲАЙДОВЧИ УЙҚУДА – ИШ ЭСА ДАВОМ ЭТАДИ



«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2010 йил 31 июлдаги 29 (262)-сонидан чоп этилган «Йўлингиз бехатар бўлсин!» материалида кўрсатилганича, автомобилни бошқармаётган пайтида ҳайдовчининг иш жойида бўлиш вақти – рейсга 2 нафар ҳайдовчи юборилганда – иш вақтига киритилади ва бунга ҳақ тўланиши керак. Корхонамиз ҳайдовчилари углеводородли хом ашё ва нефть маҳсулотларини Қамчиқ довони орқали ташийдилар. Хавфли юкни ташишининг тасдиқланган регламентига кўра, рейсга икки нафар ҳайдовчи юборилади: бир ҳайдовчи автомобилни бошқаради, иккинчиси эса Қамчиқ довонидан ўтадиган йўлнинг хавфли участкасидан ўтишаётган 3 соатдагина рейс мобайнида уйғоқ бўлади. Ҳайдовчи ухлаб борган давр иш вақтига киритилмади ва унга ҳақ тўлаш керакми?

Б.ТОШТЕМИРОВ,
директор.

– Меҳнат кодекси (МК)нинг 126-моддасига мувофиқ дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра

фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. У иш вақтига киритилмайди (МК 127-моддасининг биринчи қисми). Сизнинг ҳолатингизда ҳайдовчи рейсда боряпти ва дам олиш

вақтидан ўз ихтиёрига кўра фойдалана олмайди – у автомобилдан чиқа олмайди, бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошира олмайди, чунки у масъулиятли 3 соат давомида автомобилни йўлнинг хавфли участкасидан бошқариш учун дам олиши керак. Яъни машина ичида бўлиш ва муайян вақт «ухлаш» – унинг бевосита хизмат вазифасидир. Шу сабабли ушбу вақт ҳам иш вақтига кириши ва унга ҳақ тўланиши керак.

Бугунги кунда ҳайдовчиларнинг иш вақтини ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлаш вақти аниқ тартибга солинган ҳужжат мавжуд

эмас. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сон қарори* билан Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури тасдиқланган, у меҳнатнинг янги техник ва технологик шароитлари ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларга мувофиқ қайта ишланган. Мазкур Дастур 2011 йил биринчи чорагига келиб Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида низомни ишлаб чиқишни назарда тутди.


*«Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида».

«Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлаган.

УШБУ СОНДА:	ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	– Ҳайдовчи уйқуда – иш эса давом этади	– Валюталар курси . 3-бет	– Комплекс экспертиза нима-ларга қодир
	– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-бет	– Ўз маблағлари ҳисобидан 2, 4-бетлар	✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР	– Солиқ фирибгарлари курси-вида 6-бет
	✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ	✓ МЕНЕЖМЕНТ	– Банкда ҳисобварақ очишнинг янги шартлари	✓ СОЛИҚЛАР ОЛАМИДА 7-бет
	– Ходим синов муддатида бўлган-да – II: Ишни ташкил этиш	– Аудит рекламасининг миллий хусусиятлари	– Фақат мулк ҳуқуқи бўлинади 5-бет	✓ top 8-бет
			✓ Post Scriptum	

АУДИТ РЕКЛАМАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аудиторлик фирмалари асосан кичик ва хусусий бизнес қаторига киради. Бундай фирмалардаги ходимлар сони 4-25 кишини ташкил этади. Фирма раҳбарларининг вазифаси ходимларни дуруст иш ҳақи билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириб боришдан ташқари, муқим иш жойида фаолият олиб боришдан манфаатдорликларини кучайтиришдан иборат. Фирманинг раҳнақ топиши ходимлар хизмат пиллапоясидан юқори кўтарилишига, аудиторлик компанияларининг норасмий рейтингда фирманинг обрў-эътибори ошишига имкониятлар очиб беради. Аудиторлик фирмаларининг раҳбарлари қайси усуллар билан мижозлари доирасини кенгайтирмоқда-лар? Аудитда PR-менежмент қайси йўллар билан ривожлантирилмоқда?



АУДИТОРЛИК ФИРМАЛАРИНИНГ буюртма олиш борасидаги биринчи услуби илдиэлари миллий хусусиятларга бориб тақалади. Бинобарин, бунда улар буюртмаларни «таниш-билишчилик орқали» оладилар. Аудиторлик фирмаларининг раҳбарлари илгари солиқ органлари ходими ёки бухгалтер бўлганликлари боис ўша эски алоқалари туфайли чоғроқ бўлса-да, доимий мижозлар доирасига эга бўладилар.

Пинҳона йўсиндаги реклама анчагина жўн – кафолат бериш мажбуриятини юкламайди. Бунинг асосий афзаллиги шундаки, янги буюртмачи собиқ мижоздан ижобий тусдаги тавсиф олганлиги сабабли мазкур фирма хизматларидан фойдаланишдан ўзи манфаатдордир. Хатолар содир этилган тақдирда ҳам обрў-эътиборни шундай сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Бунинг устига буюртмачи билан аудитор ўртасидаги бошиданок ўзаро ишончга асосланган муносабатлар янада самаралироқ иш олиб боришга йўл очади. Кейинчалик бундай мижоз доимий мижозлар доирасидан ўрин олиши ҳам, олмаслиги ҳам

мумкин. Шундай бўлса-да, мазкур услуб аудиторлик фирмалари мижоз излашида энг оммавий тактика бўлиб турибди.

ОММАВИЙ РЕКЛАМАНИНГ яна бир услуби «тор», «Биржа», «Солиқ-Инфо» сингари **ихтисослашган газеталарда, аудиторлик фирмаларининг интернет-сайтларида** бериладиган рекламадир. Бундай ҳолларда мижоз танловда анча эҳтиёткор бўлади ва кўпроқ аудиторлик хизматлари қиймати миқдорига қараб иш тутади. Ҳар қандай буюртмачи арзонроқ нарҳда яхшироқ, сифатлироқ хизматдан баҳраманд бўлишни истади. Шу сабабли кўп ҳолларда мижозлар аудиторнинг ишига нотўғрироқ тушунчада бўладилар, унинг ишидан хато топишга, таъбир жоиз бўлса, тирноқ остидан кир қидиришга ҳаракат қиладилар. Бундай мижоз хизмат сифатидан кўнгли тўлмаса, бошқа фирманинг этагини тутиб кетиши осон бўлади.

ТИЖОРАТ ТАКЛИФИНИ мижозга почта орқали жўнатиш ҳам реклама қилишнинг услублари сирасига киради. Бунда буюртмачига айланиши эҳти-

моли бўлган мижозларга фирманинг фаолияти, ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, эътиборга лойиқ таклифлар юборилади. Аудиторлик фирмаларининг мижозлар билан юзма-юз учрашувларда вакиллар томонидан тақдим этиладиган рисоалари ҳамда проспектларини ҳам шулар жумласига киритса бўлади.

➤ Аудиторлик хизматларини тавсия ва таклиф этишнинг юқорида санаб ўтилган услублари **пассив тусдаги реклама хусусиятига эга.** Аудит соҳасида PR-менежмент тизими яхши ривожланмаганлиги рост. Журналларда, радио ва телевидениеда саводхонликнинг юксак даражаси ва укув билан тайёрланган рекламалар кам. Аудиторлик компанияларининг интернет-сайтлари ҳаракатида жонланиш кўринмайди. Конференциялар ва анжуманларда қатнашадиган бундай компаниялар сони бармоқ билан санарли. Фирмалар бухгалтерия танловларига камдан-кам муассислик қиладилар, бўш иш жойлари ярмаркаларида улар иштирок этмайдилар ҳисоб.

Агар Ўзбекистон аудиторлар касб одоби кодексини* очсангиз («Реклама ва хизматлар таклифи» деб номланган 13-модда), 13.4-бандда жамоатчиликни хабардор этишнинг йўл қўйиладиган барча шакллари муфассал баён этилган. Аммо амалда уларнинг баъзилари рўёбга чиқарилмоқда, холос. Буни ортиқча эҳтиёткорлик, вақт, маблағ етишмаслиги дейиш керакми ёки ўз хизматларини билимдонлик билан тавсия этишни шунчаки истамасликка йўйиш жоизми? Бугунги кунда аудиторнинг фаолияти шунчалар алоҳидалик хусусиятига эга касбки, у ҳақдаги оммавий ахборот кам эълон қилинади. Оқибатда

иктисодиёт соҳасидан йироқ кишиларнинг озгина қисми аудиторнинг иши моҳияти нимада деган саволга жавоб бера олади.

Мижозлар ё таниш-билиш қидиришларига, ёки реклама эълонларига кўр-кўрона ишонишларига тўғри келмоқда.

АУДИТОРЛИК КАСБИНИНГ ўзига хос хусусияти рекламага одатий эмас, балки махсус йўсинда ёндашишни талаб этади. Аудиторлик компанияси ўз хизматларини тавсия этганда уларнинг сифатини ҳам кўрсатиб, таъкидлаб ўтиши зарур. Шу боис компанияларнинг ўз хизматларини мижозларга «тиқиштириши»да энг яхши услублардан бири профессионал даражада тайёрланган мақола ва интервьюларни эълон қилиш, лекциялар ўтказишдан иборатдир. «Ўз касбига оид мавзудаги китоблар ёки мақолаларнинг муаллифи бўлмиш аудиторлар ўз исм-шарифини, малакасини, ташкилоти номини кўрсатиши мумкин, аммо фирма кўрсатадиган хизматлар тўғрисида ахборот бермасликлари керак. Аудиторлар нима ҳақда матбуотда ёзишлари ёки радио-телевидениеда гапиришларидан қатъи назар, **бу гаплар фирманинг рекламаси ёки ўз ўзини реклама қилиш бўлмаслиги керак; кўриб чиқилаётган муаммо ҳақида ҳолис профессионал фикр билдирилмоғи лозим**», – дейилади Касб одоби кодексига.

Профессионал мавзуда мақолалар эълон қилишнинг қатор афзалликлари бор. Маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотингизнинг номи бўлажак мижозларда ҳурмат туйғусини уйғотади. Газета экспертнинг роли бесамар, беиз эмас. Мақола фирмангиз ходимининг касбий малакаси ҳақида

компания рисоласи ёки проспектидаги маълумотларга қараганда ҳам тўлиқроқ фикр беради. Дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрилса, ихтисослашган газета вакиллари билан профессионал даражада маслаҳатлашув ўтказишга вақт сарфлаш буюртмачиларнинг столларида чанг босиб ётадиган туссизроқ реклама рисоаларини чиқаришга пул сарфлагандан аълороқдир.

Аудит хизматларини таклиф ва тавсия этишнинг яна бир амалий услуби бухгалтерлар учун муайян мавзуларда семинарлар ўтказишдир. Бундай семинарлардан наф катта. Масалан, «Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари» деган мавзудаги семинар шу соҳадаги ташкилот ходимларини жалб этади. Бундай кезларда газета аудиторлик фирмасининг ахборот бобидаги шериги вазифасини ўташи мумкин, шунингдек бу воқеани радио ва телевидениеда ёритса, фирма логотиплари туширилган идора ашёлари ва лавҳалардан тарқатма материал сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

Аудиторлик хизматларини таклиф ва тавсия этиш усулларининг хилма-хиллиги компаниялар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидаги босқинчидир. Зотан бу соҳадаги реклама билимдонлик ва укув билан тайёрланмоғи лозим, бинобарин бу иш билан оммавий реклама ва аудит соҳасидаги касб билимдонлари шуғуллангани маъқул. Фирма раҳбари оммавий рекламага бўлган муносабатда обрў-эътиборни туширмаслик тараддудида бўлмоғи лозим. Табиийки, бунда кўпроқ рекламанинг одатий услубларидан фойдаланадилар. Бу услублар рақобат ривожланиб бораётган бир шароитда қанчалик самарали эканлиги эса бутунлай бошқа масала.

Ольга КИМ.

*Ўзбекистон аудиторлар палатаси кенгашининг 2005 йил 25 июндаги 3-сон ҳамда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси кенгашининг 2005 йил 26 августдаги 9-сон қарорлари билан тасдиқланган.

ДИҚҚАТ! «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Агар сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификати ёки маҳсулотнинг яроқлилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмай туриб савдо фаолиятини юритаётган ёхуд бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, Давлат солиқ кўмитаси ҳамда ҳудудий давлат солиқ идораларининг куйидаги ишонч телефонларига хабар беринг.

Давлат солиқ кўмитаси	8-371	244-98-98
Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ	8-361	222-00-33
Андижон вилояти ДСБ	8-374	222-14-77
Бухоро вилояти ДСБ	8-365	223-16-89
Жиззах вилояти ДСБ	8-372	226-23-23
Навоий вилояти ДСБ	8-436	0-62
Наманган вилояти ДСБ	8-369	226-81-86
Самарқанд вилояти ДСБ	8-366	234-06-16
Сирдарё вилояти ДСБ	8-367	225-11-20
Сурхондарё вилояти ДСБ	8-376	223-29-64
Фарғона вилояти ДСБ	8-373	224-35-57
Хоразм вилояти ДСБ	8-362	227-13-67
Қашқадарё вилояти ДСБ	8-375	225-10-82
Тошкент вилояти ДСБ	8-371	150-49-56
Тошкент шаҳар ДСБ	8-371	244-54-86

Бу билан сиз жамият олдида ўз фуқаролик бурчингизни бажариш билан бир қаторда ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишга ҳамда нақд пул маблағларининг банк кассаларига вақтида келиб тушишига ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ДСҚ Ахборот хизмати.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	2.09.2010	1	0,8035	1	1,0276	1	0,062
Арманистон	2.09.2010	1	365,03	1	468,19	1	11,90
Беларусь	3.09.2010	1	3015,00	1	3853,47	1	98,25
Грузия	2.09.2010	1	1,8394	1	2,3539	1	5,9721
Қозоғистон	3.09.2010	1	147,28	1	188,89	1	4,80
Қирғизистон	3.09.2010	1	46,8359	1	59,3683	1	1,5218
Латвия	3.09.2010	1	0,549	1	0,702804	1	0,0179
Литва	3.09.2010	1	2,6944	1	3,4528	10	8,7845
Молдова	2.09.2010	1	12,1667	1	15,5704	1	0,3959
Тожикистон	2.09.2010	1	4,3819	1	5,6114	10	1,4423
Ўзбекистон	31.08.2010	1	1614,49	1	2063,00	1	52,59
Украина	2.09.2010	100	788,61	100	1009,4208	10	2,5604
Эстония	2.09.2010	1	12,2077	1	15,6466	1	0,397693

Манба: www.prime-ta.js.ru

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН

Ташкилотимиз хўжалик фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат бюджетидagi ташкилот ҳисобланади.

Жамоа шартномасининг шартларига кўра баланд тоғ шароитларида (денгиз сатҳидан 2 минг метрдан юқорида) доимо фаолият юритувчи экспедицияда ишлайдиган ходимларга зарарли шароитларда ишлаётганлик учун мавсумга боғлиқ ҳолда 4%дан 12%га қадар асосий маошга кўшимча ҳақ белгиланган, белгиланган маошнинг 30%и миқдоридида юқори тоғ коэффициентлари тўланади. Юқорида кўрсатилган ходимларга овқатланиш учун кунига 2 200 сўм миқдоридида кўшимча ҳақ (унга даромад солиғи солинади) тўланади, 12 кун давом этадиган кўшимча таътилга пул тўланиб, у асосий (15 кунлик) ва узайтирилган (9 кунлик) таътилга кўшилади. Шу тариқа, ходимларнинг тўлиқ таътили 36 иш кунини ташкил қилади.

Ташкилотда маблағ йўқлиги боис иш жойлари аттестациядан ўтказилмаган. Жамоа шартнома бўйича тўловлар СССР гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш давлат қўмитаси ходимларининг меҳнати ва иш ҳақи масалалари бўйича раҳбарий материаллар тўпламига (Гидрометеоиздат, 1982 йил) биноан белгиланган.

Экспедиция ишлаган йиллар давомида фаолият юритиш шароитлари анчагина яхшиланди: асосий иморат янгидан қуриб битказилди, электр ва сув билан доимий таъминот амалга оширилди, турган жойимиз турғун жой ҳисобланади.

Кейинги иш даври учун жамоа шартномасини ишлаб чиқиш учун бюджет ташкилоти ходимларига кўшимча ва узайтирилган таътиллarga тўловлар ҳамда уларнинг маошларига кўшимча ҳақлар белгиланиши тўғрисида тушунтириб берсангиз.

Шунингдек ушбу таътиллarga тўлаш учун маблағларнинг мумкин бўлган манбаларини (бюджет ёки фақат ўзимизнинг) кўрсатсангиз.

Е. Дуас,
бош бухгалтер.

– Кўшимча ва узайтирилган таътиллари ҳамда маошларга кўшимча ҳақлар белгиланишини тартибга соладиган асосий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (МК) ҳисобланади.

ТАЪТИЛЛАР

МКнинг 134-моддасида муддати 15 кундан ошмайдиган йиллик асосий таътил назарда тутилган. Бундай таътил ходимларнинг айрим тоифаларига узайтирилиши мумкин (асосий узайтирилган таътил). Бу нарса мазкур соҳада меҳнат муносабатларини тартибга соладиган бевосита қонун ҳужжатида ёки меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилиши мумкин (МКнинг 135-моддаси). МК 138-моддасида оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларда ишлаганлик учун ходимларга йиллик кўшимча таътиллари берилиши ҳам назарда тутилади. Бундай туманларнинг рўйхати ва бундай таътилнинг энг кам муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайди.

МК 140-моддасининг иккинчи қисмига кўра барча ҳолларда таътиллари кўшганда уларнинг умумий муддати 48 иш кундан ошмаслиги керак.

Йиллик таътиллarga ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда пул тўланиши керак (МКнинг 148-моддаси).

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ

МКнинг 153-моддасига мувофиқ табиий-иқлим ва турмуш шароитларида ноқулай бўлган жойларда туман коэффициентлари ва меҳнат ҳақига устамалар белгиланади. Туман коэффициентлари ва устамалар қўлландиган жойлар рўйхати ҳамда уларни қўллаш тартиби ва миқдорини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайди. Масалан, Навоий вилоятининг Томди ва Учқудук туманлари ҳудудида барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақига коэффициент, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорига кўра, 1,50 миқдоридида белгиланган.¹

¹Баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудлардаги иш учун коэффициент ҳамда туман коэффициентлари – битта тушунча. Коэффициентлар ва кўшимча ҳақлар шунингдек қуйидаги ҳужжатлар билан белгиланган: Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 декабрдаги «Дўрмон-Қайнарсой» комплексларининг хўжалик ҳисобидаги бирлашган дирекциясини ташкил этиш тўғрисида» 462-сон қарори 3-банди; СССР Вазирлар Кенгашининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат қўмитаси ҳамда Бутуниттифоқ касба уюмлари марказий Кенгаши Котибиятининг 1960 йил 5 мартдаги «Геология ва топография-геодезия ташкилотлари ва корхоналари ходимларининг иш ҳақига туман коэффициентларини тасдиқлаш тўғрисида» 298/8-сон қарори.

²МВ ва ССВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ОВҚАТЛАНИШГА КўШИМЧА ҲАҚ

Республиканинг амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчиларнинг ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларни сут ва бошқа даволаш-профилактика таомлари билан бепул таъминлаш мажбуриятини назарда тутди. Меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжат-



лар, шунингдек меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви (битими) билан белгиланади.

Корхонанинг муайян иш жойларида меҳнат шароитининг ҳолатини баҳолаш учун, Меҳнат шароитларини баҳолаш услубияти ва меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказишга² мувофиқ, иш жойлари аттестация қилиниши ва оғирлик, зарарлилик омиллари (газ чиқиши, ҳарорат режими, зарарли моддалар концентрациясининг мавжудлиги ва бошқалар) асбоблар ёрдамида ўлчаниши керак.



Аттестациянинг даврийлигини корхонанинг ўзи белгилайди, бироқ у 5 йилда бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Аттестацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун жавобгарлик корхона раҳбари (агаси) зиммасига юкланади.

Ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларнинг рўйхати қуйидагиларда келтирилади:

– имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхати (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган);

– ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқлангандаги ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати (МАИМҚВ ва ССВнинг АВ томонидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган);

– Хотин-қизларнинг меҳнатида фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган ноқулай

ларга кирганлиги боис улар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солиш объекти ҳисобланмайди.

ТУМАН БАЛАНД ТОҒДАМИ?

Юқорида айтилганидек, меҳнатнинг оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган туманларнинг рўйхатлари ҳамда туман коэффициентларини Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати белгилайди. Бироқ ушбу соҳада қонун ҳужжатларининг тартибга солилмаганлиги (кўп ҳужжатлар 1991 йилгача қабул қилинган, баъзиларини топиб бўлмайдиган ва ҳоказо) сабабли ташкилотлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қуйидаги саволлар билан мустақил равишда мурожаат қилишлари лозим:

1. Мазкур ташкилотнинг ходимлари меҳнат фаолиятини амалга ошираётган жой оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудга кирадими?

2. Ушбу ҳудудда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун қандай туман коэффициентлари назарда тутилган?

Бюджет ташкилоти жамоа шартномасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жавоби асосида кўшимча таътиллари бериши ва туман коэффициентлари бериши, иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари асосида эса овқатланишга кўшимча ҳақлар миқдорларини назарда тутди. Кўрсатилган тасдиқланган харажатлар Молия вазирлиги тасдиқлаши учун бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига киритилади. Башарти ушбу харажатлар тасдиқланса, улар давлат бюджетидида маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Улар тасдиқланмаган тақдирда, харажатлар ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пенсиялар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш чоралари тўғрисида» қарори (1992 йил 4 сентябрдаги 407-сон) билан чўл ва сувсиз жойларда; баланд тоғли жойларда ҳамда оғир табиий-иқлим шароитларида меҳнат қилинадиган туманларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентларни ҳисоблаб ёзиш учун чегараланган сумма ҳисоблаб ёзиш пайтида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдоридида белгиланган. Бюджет ташкилоти ушбу харажатларни оширишга ҳақли, бироқ улар фақат ўз маблағлари ҳисобидан ва улар доирасида амалга оширилади.

Ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш стажини учун устама ҳақлар, касба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда, корхонанинг молиявий имкониятларига боғлиқ ҳолда, жамоа шартномаси (бошқа локал ҳужжатлар) билан белгиланади. Ушбу минтақалардаги иш стажини учун устамалар тўлаш бўйича чегараловчи доиралар қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

БАНКДА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШНИНГ ЯНГИ ШАРТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқномага* ўзгартиришлар МБ бошқарувининг 2010 йил 7 февралдан кучга кирган қарори (бундан кейин – 1948-3-сон қарор) билан киритилган.

Ҳужжат «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг (1995 йил 21 декабрдаги 154-1-сон) 7, 17 ва 51-моддаларига асосан ва Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Фармони (2009 йил 21 декабрдаги ПФ-4158-сон) ва Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорига (2009 йил 22 декабрдаги ПФ-1245-сон) мувофиқ қабул қилинган.

Мазкур шарҳда юқорида кўрсатилган ҳужжатларни тартибга солиш предмети билан боғлиқ энг муҳим масалалар умумий кўринишда тақдим этилган.

НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚИЛИШ КЕРАК

Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг республика қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун янги бўлган муҳим жиҳатлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш лозим:

1) улгуржи савдо корхоналари томонидан банкларда миллий валютада асосий ва иккиламчи ҳисобварақлар очиш тартибининг ўзгариши;

2) банкда ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар тақдим этадиган шахсларга янги талабларнинг жорий этилиши.

КИМЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ


1948-3-сон қарор: улгуржи савдо корхоналарининг (улгуржи дорихона муассасалари, улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралардан ташқари);

банкларда ҳисобварақ очадиган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади.

ЯНГИЛИКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

I. Улгуржи савдо корхоналари – ягона солиқ тўлови тўловчилари (улгуржи дорихона муассасалари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) миллий валютадаги асосий ва иккиламчи ҳисобварақларини улар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар)даги тижорат банклари ва (ёки) уларнинг филиалларида очадилар. Айтайлик, улгуржи савдо корхонаси Чилонзор туманида рўйхатдан ўтказилган, бинобарин, у асосий ва иккиламчи ҳисобварақларини, масалан, Ҳамза ёки Миробод туманида эмас, балки фақат Чилонзор туманида жойлашган тижорат банкларида очишга ҳақлидир.

Улгуржи савдо корхоналари учун янги тартиб куйидаги банк ҳисобварақларини очиш таомилига дахл этади.



1) дастлабки – хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин биринчи марта миллий валютада очилган унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи;

2) иккиламчи – хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварақдан кейин миллий валютада очадиган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

Эслатиб ўтамай, Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномада илгари улгуржи корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ҳисобварақлар очилишини ҳудудий чеклайдиган меъёрлар мавжуд бўлмаган. Илгари улгуржи корхоналар банк ҳисобварақларини исталган туманининг исталган банкида оча олардилар.

II. 1948-3-сон қарор билан банкда ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатларни тақдим этадиган шахсларга янги талаблар жорий этилди. Энди банк ҳисобварақларини очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги

Қонуннинг (1996 йил 30 августдаги 279-1-сон) 8-моддасига биноан юридик шахснинг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган икки нафар шахсларнинг рўйхатини тасдиқлайди, улар имзолар намуналари қайд этилган варақчага киритиладилар:

биринчи рўйхатга – раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар;

иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киратилади.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади (Фуқаролик кодекси 138-моддасининг биринчи қисми).

Тегишинча, киритилган янгиликлар муносабати билан банк ҳисобварақи очиш учун ҳужжатлар юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтер ёки раҳбарлик вазифаларини ёки молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар томонидан ишончномасиз тақдим этилиши мумкин.

Бошқа ходимлар ҳисобварақ очиш учун ҳужжатларни фақат ишончнома асосида тақдим этишга ваколат олишлари мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖ
эксперт-юристи.



«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 26 апрелдаги 223-1-сон) 74-моддасининг тўртинчи қисмига биноан, агар жамият акцияси бир неча шахсларнинг умумий улушли мулки бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколати уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилиши керак. Улушли мулк қатнашчиси деганда ким тушунилишини мисолда тушунтириб берсангиз.

Фуқаролик кодексининг 216-моддасида улушли мулк тушунчаси куйидагича талқин қилинади:

«Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланмаган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади.

Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса – суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин».

Яъни улушли мулк унинг вазифасини ўзгармасдан туриб улушларга бўлиш мумкин бўлган мулкдир. Агар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуннинг 25-моддасига биноан акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас ва акция бўлинмас бўлса, акцияларга улушли эгалик қандай вужудга келиши мумкин?

ФАҚАТ МУЛК ҲУҚУҚИ БЎЛИНАДИ

– Сиз айтилган қонун ҳужжатлари меъёрларини тўғри талқин этиялсиз. Акция мазкур ҳолда акциядорлар реестрида бўлинмайди. Фақат унга бўлган мулк ҳуқуқи бўлинади. Масалан, битта акцияга эга бўлган акциядорнинг вафотидан кейин икки меросхўр қолди, улар ўртасида нотариус қонун ва меросга ҳуқуқ гувоҳномасига кўра ҳамма нарсани баб-баравар бўлди. Шунда улар Қимматли қозғалар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб реестри тўғрисидаги низом* талабларига мувофиқ тегишли депозитарийга мурожаат қилишлари ва у ерда ўз депо ҳисобварақларини очишлари лозим. Ўз навбатида депозитарий уларга мазкур акцияни иккинчи шерик эганинг розилигини олгандан кейингина тасарруф қилиш ҳуқуқи билан умумий улушли мулк шерик эгаларидан бирининг депо ҳисобварақига қайд этишни таклиф қилади. Бу ҳолда акциядорлар реестрида мазкур акциянинг икки мулкдори мавжудлиги тўғрисида изоҳ бўлишини назорат қилиш ҳам мақбулдир, бироқ эмитент учун ушбу масала аҳамиятга эга эмас.

Кенг тарқалган бошқа мисол: умумий улушли мулк эр-хотин томонидан энди биргаликда бўлмайдиган, балки улушли бўладиган уларнинг умумий мулки аниқ тақсимланган никоҳ шартномаси тузилаётганда ёки суднинг биргаликда орттирилган мол-мулкда уларнинг улушини белгилайдиган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган эр-хотин ажрашуви чоғида ҳосил бўлиши мумкин.

Шунингдек «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг (1998 йил 30 апрелдаги 604-1-сон) 16-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ де-



ҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади. Яъни агар эмитентда акциядор дехқон хўжалиги бўлса, у дехқон хўжалигининг биргаликдаги (улушли) мулкни бошқарувчи вакилларининг ваколатларини текшириши зарур.

Шу билан биргаликда умумий улушли мулк оддий ширкат (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги) шартномасидан юзага келиши мумкин, бунда шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш, масалан, акциялар портфелини олиш учун ўз хиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар (Фуқаролик кодексининг 962-моддаси).

Артём ОТСТАВНОВ,
«Norma» МЧЖ
эксперт-юристи.

*ҚҚБФМНҚМ бош директорининг АВ томонидан 2009 йил 9 мартда 1919-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент ш. М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.

Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29

Э-пошта: info@norma.uz, web: www.norma.uz



Криминалист эксперт ён дафтаридан

Хорижда

КОМПЛЕКС ЭКСПЕРТИЗА НИМАЛАРГА ҚОДИР

Баъзан тергов ёки суд эксперт олдига гоёта мураккаб вазибаларни кўяди. Кўп объекти экспертизага баъзида юзлаб, ҳатто минглаб объектларни – ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақдим этишади. Мураккаб вазибаларнинг ечимини топиш учун ёки текширишга кўп миқдордаги объектлар келиб тушган бўлса, заруратга қараб бир ихтисосдаги экспертлардан иборат комиссия тайинланади ёки тузилади. Бир соҳага мансуб мутахассисларнинг ўртага қўйилган масалаларни ҳал этишга чоғи келмаса, турли ихтисосликдаги экспертлар иштирокида комплекс экспертиза тайинлайдилар. Бундай экспертиза экспертлар томонидан бир муассасанинг ёки турли муассасаларнинг бир неча лабораториясида амалга оширилади, масалан, суд-тиббий экспертиза бюроси ҳамда бизнинг Марказ мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Ортада қолган йиллар мобайнида шахсан менинг амалиётимда комплекс экспертизалар, шу жумладан суд-тиббий экспертлар билан биргаликда амалга оширилган комплекс экспертизалар кўп бўлган. Турфа хил, жуда мураккаб саволларга жавоб, муаммоларга ечим топилганлиги боис уларнинг деярли ҳар бири эътиборга лойиқдир. Тўғри, экспертлар илоҳий мўъжизага эга мутахассис эмас, табиийки, тергов кутаётган барча саволларга ҳақиқат ҳам жавоб топадилар деб бўлмайди. Шунга қарамай, топшириқни бажаришда бир ихтисосликка мансуб профессионал мутахассисларга нисбатан комплекс экспертизанинг имконият даражаси юқори.

Шундай экспертиза билан боғлиқ бир воқеа эсга тушди. Ўшанда қишлоқ йўлида енгил автомобиль билан икки филдиракли мотоцикл тўқнашиб кетганлиги оқибатида мотоциклчилардан бири – ёшгина йигит ҳалок бўлган, иккинчиси эса ўртача оғирликда жароҳат олган эди.

Бунда мотоцикл ҳайдовчисининг айби шундоққина кўриниб турарди. У иккинчи даражали йўлдан чорраҳага катта тезликда чиқиб келган ва асосий йўлдан ҳаракатланиб келаётган автомобилни ўтказиб юбормаган экан. Бунинг устига иккала мотоциклчида ҳам ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқ эди.

Бироқ бунда терговчилар олдига чигал бир жумбоқ турарди: тирик қолган мотоциклчи рулни ҳалок бўлган ўртоғи бошқарганлигини таъкидлагани таъкидлаган эди. Чиндан ҳам шундай бўлган бўлса, айбдор вафот топганлиги муносабати билан ишни тўхтатиш лозим эди. Лекин ёш йигитнинг кўрсатувлари тўғрилигига шубҳаланишга терговда етарлича асослар бор эди. Биринчидан, мотоцикл унинг отасига тегишли эди. Иккинчидан, тезкор маълумотларга қараганда, йигитлар қишлоқдан чиқиб кетаётганларида рулни айна шу йигит бошқараётган бўлиб, ўртоғи орқа ўриндикда эди. Учинчидан, тергов ва эксперт амали-

ёти бундай авариялар кўпинча орқа ўриндикда келаётган йўловчининг ҳалокати билан хотима топишидан дарак берарди.

Шу сабабли комплекс тиббий-трасология экспертизаси тайинланиб, унинг ишида камина ҳам иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, аварияга учраган транспорт рулни ким бошқарганлиги энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Бу чигал масала кўп ҳолларда комплекс экспертиза ўтказиш орқалигина ҳал этилади. Зотан бунда суд-тиббий эксперт йўл-транспорт ҳодисаси барча иштирокчиларнинг тан жароҳати хусусиятига қараб, трасолог эксперт эса уларнинг кийими ҳамда транспорт воситасидаги излар ва шикастланишларга қараб фалокат ҳар бир иштирокчисининг ҳодиса содир бўлган вақтдаги ўрнини аниқлайди.

Одатда комплекс экспертизани ўтказиш фаннинг турдош тармоқларида (сўз бораётган ҳолатда суд-тиббий ва криминалистикада) етарлича билим ва кўникмаси бор ҳамда текшириш асносида аниқланган белгиларга тўғри баҳо бера оладиган тажрибали экспертларга топширилади.

Бу галги экспертизада суд-тиббий экспертиза вилоят бюросининг тажрибали суд-тиббий эксперти иштирок этди. Бунга қадар туман суд-тиббий эксперти ҳалок бўлган йигитнинг жасадини текширган, иккинчи мотоциклчини ҳам кўздан кечирган экан. Комплекс экспертиза тайинлангунга қадар



мен уларнинг уст-бошини текшириб, шикастланган жойларини, бу шикастланиш қай йўсинда юзага келганлигини аниқлаган эдим.

Шу сабабли бизга комплекс экспертиза ўтказиш топширилганда, ҳамкасаба билан илгари ўтказилган экспертизаларнинг натижаларини таҳлил қилиб кўрдик, сўнгра мотоциклни ва автомобилни текшириш учун терговчи билан биргаликда туманга қараб йўл олдик. Уларни кўздан кечириётганимизда автомашина ҳайдовчиси ҳам, тирик қолган мотоциклчи ҳам ҳозир бўлди.

Иккала транспорт воситасини кўздан кечириб, улардаги из ва пачоқланган жойларни иккала мотоциклчи кийимидаги шикастланган жойларга қиёслаб, шуни аниқладимки, тўқнашув тикка бориб урилганлик оқибатида содир бўлгани учун ҳам автомашинада иккала мотоциклчи бориб урилганлиги излари ва шикастланган ерлар қолган эди.

Машинанинг капоти ва рақам белгисида тўқнашувга хос пачоқ жойлардан ташқари ҳар иккала мотоциклчи кийими излари-қолдиқларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Текшириш учун автомобилнинг эгилиб пачоқ бўлиб қолган жойига гипс ёпишиб қолган толаларнинг микрозаррачалари олинди. Марказимизнинг кимёгар экспертлари уларни текшириб кўриб, микрозаррачалар кийимнинг муайян қисмига тегишли эканлигини аниқладилар. Аслида толаларнинг ташқи кўриниши ва

рангига қараб транспорт воситаси текшириладиган жойнинг ўзида муайян хулоса чиқариш мумкин эди.

Автомобилдаги изларнинг катта-кичиклиги ва хусусиятига қараб мотоцикл рулни тирик қолган мотоциклчи бошқарганлигини, унинг ўнг ёнбошида автомобиль капотига урилишдан кўкариб, қон талашиб моматалоқ бўлиб қолган ёки шилинган-қирилган чақа жой бўлиши аниқ эди. Бироқ бирламчи суд-тиббий кўрик хулосасида бундай излар кўрсатилмаган.


Комплекс ёки қўшимча экспертиза ўтказилаётганда суд-тиббий эксперт қўшимча гувоҳлантиришга ҳақли эканлиги боис шеригим мотоциклчини қайта кўриқдан ўтказиб, унинг ўнг сони юқори қисмида каттагина жароҳат изини бизга кўрсатди. Афсуски, бирламчи кўриқни ўтказган суд-тиббий эксперт йўл-транспорт ҳодисасининг ана шу иштирокчисидан тан жароҳатини эътиборсизлик оқибатида тавсиф этмаган. Комплекс экспертизани ўтказиш асносида бу хатоликни бартараф этдик.

Машинага ёпишган тола микрозаррачаларининг мотоциклчилар кийимига мансублигини инобатга олган ҳолда ўтказган текширувларимиз натижасини таҳлил этиб, суд-тиббий эксперт билан иккаламиз ҳам тўқнашув содир бўлган пайтда мотоциклни тирик қолган йигит бошқарган деган хулосага келдик. Ҳалок бўлган йигит эса унинг орқасидаги ўриндикда бўлган. Кейинчалик иш судга оширилиб, ўз ўртоғининг ҳалокатига сабаб бўлган қасддан қилинмаган жиноят учун айбдор ҳукм қилинди. Зотан у ҳайдовчилик ҳуқуқи (гувоҳномаси) бўлмаётган, мотоциклни бошқарган, тезликни йўл қўйилган меъёрдан оширган, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол тарзда бузган ва шунинг оқибатида фожиага сабабчи бўлган.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги республика
суд экспертизаси
марказининг
катта илмий ходими.

СОЛИҚ ФИРИБГАРЛАРНИ ҚУРШОВИДА

Ўз мижозларининг сирларини астойдил кўриқлайдиган Швейцария банкларининг аҳволи борган сари қалтислашиб борапти. Германиядан сўнг ўз сармояларини Швейцарияда яширувчи чет эллик омонатчилар ҳақидаги ўғирланган маълумотларга Австрия қизиқиб қолди.



Илгарироқ Швейцария банкларидан бирининг собиқ ходими ГФР маъмурларига ундан солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган 1,5 миң мижозга доир маълумотлар киритилган электрон дискини 2,5 млн еврога сотиб олишни таклиф қилган эди. Бир оз иккиланишлардан кейин Германиянинг молия вазири ахборотни сотиб олиш «ҳал қилинган иш» деб баёнот берди.


Австрия маъмурлари ушбу дискини ўрганиш натижаларига жуда қизиқяптилар. Австрияда бу хил материалларни сотиб олиш ва таҳлил қилиш легал йўлга қўйилган. Ва агар немис экспертлари СДдан австриялик солиқ фирибгарларига чиқиш имконини берадиган маълумотларга эга бўлсалар, Германия ўзаро идоралараро кўмаклашиш тўғрисидаги битимни бажара бориб, уларни Австриянинг тегишли хизматларига беришга мажбур бўлади. Швейцария эса Германияга мижозларга доир ўғирланган маълумотлар масаласи бўйича ҳеч қандай «идоралараро кўмаклашиш» ниятида эмаслар.

Мижозлар маълумотларини сотиб олиш юридик нуқтаи назардан асосли ҳолдир. 2008 йилда Германиянинг Ташқи разведка хизмати солиқларни Лихтенштейнда яширган ўз ватандошларига доир банк маълумотларини 5 млн еврога сотиб олган. Улар орасидан австриялик қарийб 170 нафар солиқ фирибгари аниқланган. Ўшанда Германия бу маълумотларни Австрияга берган, айтаётганлар Альп республикаси суди томонидан жазоланган эди.

Немис банклари уюшмаси расмий вакили Ларс Хофернинг фикрича, «солиқ тўлашдан бўйин товлаш майда ҳуқуқбузарлик эмас, балки жиддий жиноятдир». Европа мамлакатларининг тижорат банклари юз бераётган воқеаларни баҳолашдан ўзларини четга тортяптилар. Бироқ Швейцария банкларининг ГФРдаги филиаллари мижозлари жуда ташвишга тушиб қолишган. Телефонлар одатда осойишта бўладиган бадавлат немисларнинг сўровларидан қизиқиб кетди. Ҳаммани битта савол ташвишга соляпти: Швейцариядаги ҳисобварақ фискал органларнинг нуқтаи назаридан олганда қанчалик легал?

Интернет тарқи
материалларидан.

Рассом хандаси



ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИГА ТЕЖАШ

Италия маъмурлари мамлакатнинг инқирозга қарши йўналтирилган бюджетини маъқулладилар, унга кўра яқин икки йилда давлатнинг харажатлари умумий ҳисобда 24 миллиард еврога қисқартирилиши керак.

Давлат харажатларини қисқартириш режаси, хусусан, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини «музлатиб қўйиш», шунингдек амалдорлар иш ҳақини 10 фоизга камайтиришни назарда тутди. Бундан ташқари, 2011-2012 йилларда минтақаларни молиялашни тахминан 13 миллиард еврога камайтириш, шунингдек аёллар учун пенсия ёшини 60 дан 65 ёшга ошириш тахмин қилинапти. Мамлакатда солиқларнинг тўланиши устидан назорат ҳам кучайтирилди.

Давлат харажатларини камайтириш туфайли ҳозир ЯИМнинг 5,3%ини ташкил қилаётган Италиянинг бюджет камомати Еврозона талабларида назарда тутилган 3%га қадар пасайиши мумкин деб кутилмоқда.

Илгарироқ Германия, Франция, Испания, Ирландия ва Европадаги бошқа давлатлар харажатларини кескин қисқартирмоқчи эканликларини айтган эдилар. Бироқ бундай қадамни улар ЕИ Грецияга молиявий ёрдам беришга рози бўлганидан кейин қўйдилар, бу ҳол кредитор мамлакатларнинг ўз қарзини кўпайтирган.

Греция ҳам, агар кўп миллиард евролик стабилизация кредити берилса, бюджет харажатларини 24 миллиард еврога қисқартиришни ваъда қилди.

Грек ҳукумати қабул қилишга тайёр бўлган чоралар сирасида давлат сектори ходимларининг иш ҳақини 3 йилга «музлатиб қўйиш», шунингдек қўшилган қиймат солиғини ошириш борлиги айтиляпти. 2010 йил бошидан бери грек ҳукумати бюджет камоматини қисқартиришга қаратилган бир қатор чораларни кўрди. Чунончи, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи камайтирилди, пенсиялар «музлатиб қўйилди» ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қайта кўрилди.

Илгари Греция 2010 йилда бюджет камоматини ЯИМнинг 8,7%ига қадар қисқартириш мажбуриятини олган эди. Шунингдек 2012 йилда ушбу кўрсаткични Европа Иттифоқи талабларига қўйиладиган талабларнинг одатий даражасига, яъни ЯИМнинг 3%ига қадар қисқартириш мўлжалланапти.

БАҲОЛАНМАГАНЛАРДАН КЎПРОҚ УНДИРИЛАДИ

Украинада пулда баҳоланиши ўтказилмаган аҳоли пунктларининг ерлари учун ер солиғи ставкалари оширилди.



Улар учун «Ер учун ҳақ тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган, аҳоли пунктларидаги аҳолининг сонига боғлиқ ҳолда 3,2 баравар оширилган ер солиғининг табақалаштирилган ставкалари қўлланди. Пулда баҳоланиши 2010 йил 1 январга қадар ўтказилган ва аниқлаштирилган қишлоқ хўжалиги ерлари ва аҳоли пунктларининг ерларига келсак, улар учун солиқ ставкалари оширилмаган.

СОЛИҚ ТЎЛАНМАЙДИГАН БАНК ОМОНАТЛАРИ

1992 йилгача олинган омонат дафтарчалардаги банк омонатларига улар мерос қилиб олинганда солиқ солинмайди. Украина халқ депутатлари тегишли қонунни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Асосий сабаб – улар мерос қилиб олинганда кишилар «жонли» пул олишмайди.

Ҳозирда ҳар йили 430 минг украиналик мерос олмақда. Экспертларнинг баҳолашларича, уларнинг ярмидан кўпи, ҳақиқий активлардан ташқари, совет намунасидаги омонат дафтарчалари ва сугурта полисларини оляпти. Ҳозирги вақтда Украинада ушбу ҳисобрақамлар орқали маблағларни қайтариш тўғрисида сўз бормаяпти.

Депутатлар агар актив ликвид бўлса ва уни қўлда ушлаш мумкин бўлса, солиқ тўлаш керак деган хулосага келдилар. Агар у келгусида балки амалга ошириш мумкин бўлган ёки амалга оширилмайдиган виртуал ҳуқуқ бўлса, ундан солиқ тўлаш мантқиққа зиддир.



НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ ДАРОМАД ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Украина Олий Радаси «Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Украина қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Мазкур қонун лойиҳасида юридик ёки жисмоний шахслар томонидан исталган суммада ногиронлар, ногирон бо-



лаларга уларни реабилитациялашнинг техник ва бошқа воситалари, тиббий буюмлар, Украина қонун ҳужжатларига кўра чекланган имкониятли шахсларга текинга ёки имтиёзли шартларда бериладиган автомобиллар билан таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларига тўлаш учун кўрсатиладиган мақсадли хайрия ёрдамини солиқ солинадиган даромадга киритмаслик таклиф қилинади.

Бундай меъёр хайрия ёрдамини олган тўловчи, тегишли воситалар, буюмлар, автомобиллар билан бюджет маблағларидан таъминлашга доир ҳисобдан чиқариш шарт билан, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинишини назарда тутди.

Интернет тармоғи материалларидан.

ҚАРОҚЧИЛИККА ҚАРШИ... СОЛИҚ

Франция ҳукумати қароқчиликка қарши курашни молиялаштириш ҳамда маданият мавзусидаги онлайн ресурсларини ривожлантириш учун маблағ тўплаш мақсадида Интернетдаги рекламадан келадиган даромадларга алоҳида солиқ солишни режалаштирмоқда.

Янги солиқ жорий этиш ташаббуси Франция маданият вазирлигидан чиқди. Вазирлик ўтган йилнинг охирида эълон қилинган маърузасида 2 фоизга қадар бўлган ставка билан йиғим йиғиш таклифини илгари сурди. Ҳукуматнинг мўлжалича, бюджетнинг кўшимча даромадлари шунинг ҳисобидан йилига тахминан 20 миллион евро ташкил этади. Янги йиғим жорий этилишидан энг аввало улкан Google жабр кўради – шу кунга қадар у Францияда рекламадан йилига 800 миллион евро ишлаб топмоқда эди. Шу сабабли бўлса керак, матбуотда он-лайн рекламаси солиғини Google солиғи деб атай бошладилар. Компания раҳбарияти янги йиғимни жорий этиш ҳақидаги таклифни танқид қилиб чиқди.



Франция маданият вазирлигининг маърузасида жами 22 хил ташаббус санаб ўтилган. Он-лайн рекламаси солиғидан ташқари Интернет-провайдерларидан олинаётган йиғимни кўпайтириш таклиф этилмоқда. Шу йўл билан кўшимча олинадиган даромадни мусиқани кўчириб кўпайтиришнинг ошқора тизимини молиялаштиришга йўналтириш таклиф этилмоқда. Маърузада ахборот порталлари яратиш, Интернетда мусиқа ва кинофильмлар сотганлик учун солиқларни камайтириш ҳам тилга олинган.

Хорижий ОАВ материаллари асосида.

РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 6 августдаги узоқ вақтдан бери фаолият юритмаётган корхоналарни тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисидаги ажримига асосан Қибрай туманида тугатиш ишлари бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	Ажрим рақами
"Қибрай бизнес" ХК	206179044	03.03.2006й.	207 11-1006/18877
"Pavonyus servis" ХК	301161449	27.04.2009й.	2158 11-1006/18878
"Sayyora Farangiz biznes" ХК	301198307	25.05.2009й.	2177 11-1006/18879
"Расул-Раъно-Баходир" ХК	300586584	08.10.2007й.	1764 11-1006/18880
"Hadicha Sahoba kommunal" ХК	300496934	28.06.2007й.	1680 11-1006/18881
"Мўмин-Мурод" ХК	205838782	06.10.2005й.	143 11-1006/18882
"Ёшлик" КСЖ	203732649	20.09.2000й.	921 11-1006/18883
"Agro sut-mahsulot" МЧЖ	300523868	27.07.2007й.	1709 11-1006/18884
"Karat-CZN" МЧЖ	204404793	26.02.2003й.	234 11-1006/18885
"Baxtiyor-Munojat" ХК	205744569	11.07.2005й.	100 11-1006/18886
"Javlonbek-biznes" ХК	300875184	27.06.2008й.	1960 11-1006/18887
"Jahongir davr savdo" ХК	205990779	24.01.2006й.	187 11-1006/18888
"Хуриятхон-ая" ХФ	202496516	19.02.1998й.	99 11-1006/18889
"Yusupjon-savdo" ХК	205805554	06.09.2005й.	131 11-1006/18890
"Shaxzod-Nilu" ХК	301013551	23.12.2008й.	2082 11-1006/18891
"Emir aziya invest" ХК	301115890	27.03.2009й.	2132 11-1006/18892
"Фаррух" ХИЧФ	200605958	25.10.1995й.	1056 11-1006/18893
"Pearl-design" МЧЖ	300586821	08.10.2007й.	1766 11-1006/18894
"Candy world" ШК	300482359	12.06.2007й.	1667 11-1006/18895
"Muxlisa-Sarvar" ХФ	204695630	14.10.2003й.	124 11-1006/18896
"Astra qurilish" ХФ	204718806	14.11.2003й.	139 11-1006/18897
"G'iyosiddin-ziyo-baraka" ХК	300746083	04.03.2008й.	1864 11-1006/18898
"Busumdo biznes plus" ХК	300050610	13.11.2006й.	1407 11-1006/18899
"Karim og'li G'ofur" ХФ	204605844	01.07.2003й.	842 11-1006/18900
"Shifobaxsh-invest" ХК	300562685	11.09.2007й.	1746 11-1006/18901
"Mirabror-invest" ХК	300421758	23.04.2007й.	1626 11-1006/18902


Мазкур корхоналар кредиторлари 2 ой мобайнида Қибрай тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш доимий махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 150-08-47.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 20 августдаги 10-1015/13893-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "КРАМА" МСНЖ (юридик манзили: Кушбеги кўчаси, 20а-уй) бўйича умумий тартибда банкротликка оид иш юритишга қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 13 сентябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 307-хонада бўлиб ўтади. Суд мажлиси муҳокамаси 2010 йил 14 сентябрь соат 11.15 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (Тошкент ш., Чилонзор тумани, "Ц" даҳаси, Чўпон ота кўчаси, 6-уйда) бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 августдаги ажримларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги банкротлик иши қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"AERO TRANS TUR" МЧЖ	10-1017/14114
"PO'LAT INSHOAT IMPEKS" ШК	10-1017/14111
"AKADEM AVTO XIZMAT" ШК	10-1017/14112
"GAYANE" ХК	10-1017/14113

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида (Э.Атаханова кўчаси, 314-уйда) ўтказилади. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши 2010 йил 13 сентябрь куни соат 11.35 дан 11.50 гача Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда) 1-сонли залида бўлиб ўтади. Корхоналар дебиторлари ва кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.




TOP


ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслахатчи» N 34 (267) 2010 йил 7 сентябрь

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияла

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль
К туридаги, Консоль «Андижанец» насоси
«КАСКАД» ҚЎЗ

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ
САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

«Аудит-ВАРН» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН
ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС
БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

МВнинг 23.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи
субъектларнинг аудиторлик
текширувлари

Хизматлар халқаро
малакага эга аудиторлар
томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ



237-51-33

237-47-20

237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

Брезент, майдалагич, алоқа ка-
беллари, қадимий русумдаги гишт-
лар, шиша бутилкалар.
Тел. 252-34-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия
хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техникани тўлдириш
ва таъмирлаш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

ЭЪЛОНЛАР

Компьютерларни тузатиш, карт-
рижларни тўлдириш.
Тел. (+99890) 321-15-99.

Ташкилий техникага хизмат
кўрсатиш ва тузатиш.
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Лазерли принтерларни таъмир-
лаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш
билан.
Тел. 337-59-17. Анатолий.

Видео-, фотосуратга олиш*.
Тел. (+99897) 709-20-17.

*Хизматлар лицензияланган.

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**
www.restoran.uz

РЎЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил
20 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан
Мирзо Улуғбек туманидаги банкрот деб эътироф
этилган ва тугатишга оид иш очилган корхоналар
РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
«OSMONBEY GOLD» ХК	10-1017/12944
«INFINITY STROY» МЧЖ	10-1017/12943
«DELTA GROUP» МЧЖ	10-1017/12947
«DIERO SERVIS» МЧЖ	10-1017/12945
«GSR LOGISTICS» МЧЖ	10-1017/12949
«FIRELY GRAND TRADE» МЧЖ	10-1017/121555

Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалок муҳр ва
бурчак штамплари, корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги
тўғрисидаги гувоҳномалари ва таъсис ҳужжатларининг асл
нусхалари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга нисбатан та-
лаб, таклиф ва эътирозлар 1 ой давомида Тошкент ш., Шаҳ-
риобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида
қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 16 августдаги
ҳал қилув қарорларига асосан Оҳангарон шаҳрида рўйхатдан
ўтган банкрот деб эътироф этилган ва тугатилаётган
корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
«PARFENOVA A.T. ARXEDOM» ХК	205769140	11-1006/18372
«OXANGARON ROXAT SAVDDO» ХФ	204296960	11-1006/18373
«HONOBOD QURILISH» ХК	205291739	11-1006/18374

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Оҳангарон
шаҳар ДСИ ходими С.Й.Эргашев тайинланган. Барча даъволар эълон
босилган кундан эътиборан бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул
қилинади: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Холмухаммедов кўча-
си, Оҳангарон шаҳар ДСИ биноси. Тел.: 645-17-28, 150-59-48.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 9 июндаги 11-1028/
10032-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ангрен шаҳридаги «GULYORA
PARVOZI» МЧЖ (СТИР 206782387) ҳамда 2010 йил 14 июлдаги 11-1028/
10765-сонли ҳал қилув қарорига асосан «DILMIRAXON FAYZ» ХК (СТИР
205716239) банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш
бошланган. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2010 йил 15 сентябрь
куни соат 11.00 да Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ДСИ биноси, 2-қават,
19-хонада ўтказилади. Тел.: (8-371) 150-59-80, (8-370) 663-17-09.

*Тошкент шаҳар хўжалик суди-
нинг 2010 йил 23 августдаги
қарорларига асосан Чилонзор
туманидаги тугатилаётган
корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
«Мард Ўғлон» Ф МЧЖ	10-1008/13205-т
«DORIDOL» ХФ	10-1008/13206-т
«KIBO» ХФ	10-1008/13207-т
«RASSAF- MOBILE» ХК	10-1008/13209-т
«FARANGIZ GOLD» МЧЖ	10-1008/13210-т

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва бур-
чак тамгалари ўз кучини йўқотган деб
топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти
корхоналарни тугатиш комиссияси эълони
чоп этилган санадан эътиборан барча даъ-
волар 2 ой муддат ичида Тошкент ш.,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 50-уй манзили бўйи-
ча ҳамда 276-75-23 ва 276-26-86 теле-
фонлари орқали қабул қилинади.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУК

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда
фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят
муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслахатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда
кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ
босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс — 186 Буюртма 712 Адади 4240. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 3 сентябрда соат 19.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223